

## Нима қилсам, гуноҳим мағфират қилинади?

Image not found or type unknown



16:10 / 24.02.2020 3659

بُنْدُوبٌ مَّالٍ دَقَّ مَلَسُوهُ لِيَلْعَلَّ يَصِيَّبُ لِيَا تَأْتِي الْجُرَّ نَأْ صَفَحَ نَبْرُكَبِ يَبَأْ نَع  
بَهَذَا» لَأَقْ مَعْنُ لَأَقْ «؟ لَأَخْ كَلَّ لَهَفُ» لَأَقْ. لَأَقْ لَأَقْ «؟ دَلَّ أَوْ كَلَّ لَه» لَأَقْ لَأَقْفُ  
يَزُورَمُ لَأَنْ يَسُحُّ لَأَهْ أَوْرُ. «أَهْرَبَفُ

Абу Бакр ибн Ҳафсдан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди. У гуноҳ қилган эди. У зот:

«Онанг борми?» дедилар.

«Йўқ», деди.

«Холанг борми?» дедилар.

«Ҳа», деди.

«Бор! Унга яхшилик қил!» дедилар».

Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.

Яъни она бўлмаса, хола она ўрнида бўлар экан. Она йўқ пайтда холани онанинг ўрнида кўриш, онадан сўраладиган дуони ундан сўраш, онага қиладиган яхшиликни холага қилиш лозим бўлади.

Гуноҳга ботиб қолиб, «Нима қилсам, гуноҳим мағфират қилинади?» деган ҳалиги одамга Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам холасига яхшилик қилишни буюрганлари шунга далолат қилади.

لَا أَقُوَّةَ إِلَّا لِلَّهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ وَاللَّهُ يَهْدِي مَن يَشَاءُ لِرَبِّهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ  
يَرْزُقُ مَن يَشَاءُ حَيْثُ يَشَاءُ وَأَمَّا يَظُنُّ أَنَّ

Абу Бакр ибн Ҳафсдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан худди аввалги ҳадис ривоят қилинган, фақат «Катта гуноҳ қилди», деган ибора бор».

Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.

«Холам бор», деган ўша одам жуда катта гуноҳ қилган экан. Ушбу ривоятда қилинган гуноҳнинг катталиги алоҳида таъкидлаб айтилмоқда.

Яъни гуноҳи оддий гуноҳ эмас экан. Катта гуноҳни қилиб қўйиб, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламдан: «Нима қилай, қандай қилсам, гуноҳим кечирилади?» деб сўрабди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Онанинг борми?» деб сўрабдилар. «Йўқ», деган экан, «Холанг-чи?» дебдилар. «Ҳа, холам бор», дебди. Шунда: «Холанг бўлса, унга яхшилик қил, дуосини ол, шоядки Аллоҳ гуноҳингни кечириб юборса», деган маънодаги гапни айтибдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг отаси йўқлигини билганлар, шунинг учун у ҳақда сўрамаганлар. Чунки билиб туриб, сўраш мумкин эмаслигини у вақтлардаги одамлар яхши тушунишган.

Бу ривоятдан бировни ўлдириб қўйса-ю, отаси ёки онаси бўлмаса, холанинг розилигини топиш билан гуноҳ ювилиб кетар экан, деган хаёлга бориш керак эмас. Бу гуноҳни қилган одамга шариатда одам ўлдирганга белгиланган чора кўрилади. Аммо гуноҳини тўлиқ ювиш учун онаси

